# Жаннатга муштоқлар




08:00 / 23.05.2020    2569

Исмоил ибн Наср Абдийдан ривоят қилинади: «Солиҳ Муррийнинг мажлисида бир киши нидо қилиб, шундай деди: «Жаннатга муштоқлар ва уни деб кўз ёш тўкувчилар ўрнидан турсин». Абу Жаҳс ўрнидан туриб, «Эй Солиҳ, «**Биз улар қилган ҳар бир амалга келиб, уни сочилган тўзон** (каби фойдасиз) **қилиб қўйганмиз. Жаннат аҳли эса у кунда энг яхши қароргоҳ ва энг гўзал оромгоҳларда бўлурлар» (***Фурқон сураси, 23-24 оятлар)* оятларини ўқи!» деди. У ўқиди. Абу Жаҳс яна такрорлашни сўради. Солиҳ оятни иккинчи бор ўқиб тугатмасидан Абу Жаҳснинг жони узилди».

***«Солиҳлар гулшани» китобидан***